Эл-юртимиз барча шахматчиларимиз тимсолида кучли билим ва ирода соҳибларини, катта-катта марраларни забт этишга қодир бўлган Янги Ўзбекистон ёшларини кўради.

Ҳеч шубҳасиз, бу юксак ғалаба барчамизга янги куч-ғайрат, руҳ ва илҳом бағишлайди, ёш авлодимиз учун чинакам ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Давлатимиз раҳбарининг шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига йўллаган табригини қуйидаги ҳаволада тўлиқ ўқинг:

Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

2026-yil,
29-sentabr,
seshanba
№119
(5339)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan — O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ, ШАХМАТ ОЛАМИДА ЯНГИ ТАРИХ ЯРАТГАН ОЛТИН АВЛОД



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Фармони билан

Мамлакатимизда, қадимий Самарқанд шаҳрида илк бор ўтказилган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ва 3-Парашахмат олимпиадасида муваффақиятли қатнашиб, ўзининг юксак профессионал маҳорати, ақл-заковати, ирода ва матонатини яққол намоён этгани, дунёнинг 200 дан зиёд давлатидан келган энг кучли шахматчи ва гроссмейстерлар ўртасида ғолибликни қўлга киритиб, Янги Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи ва шон-шуҳратини оширишга муносиб ҳисса қўшгани, шунингдек, республикамизда спортни кенг оммалаштиришда шахсий намуна кўрсатиб келаётгани, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларда миллий ғурур ва ватанпарварлик фазилатларини камол топтириш борасидаги катта хизматлари учун 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ва 3-Парашахмат олимпиадаси ғолиблари ва иштирокчилари

«Ўзбекистон ифтихори»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»,


«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвонлари,

«Фидокорона хизматлари учун», «Дўстлик» ва «Мардлик» орденлари,

шунингдек,

«Келажак бунёдкори» ҳамда «Соғлом турмуш» медаллари билан мукофотланди.

Фармон матни билан қуйидаги ҳавола орқали тўлиқ танишинг.







Азим Самарқанд шу йилнинг 15-27 сентябрь кунлари шахмат оламидаги энг нуфузли йирик мусобақа – 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига мезбонлик қилди. Бу сафарги ақл ва ирода баҳсида иштирокчилар сони бўйича ҳали шахмат тарихида кузатилмаган рекорд натижа қайд этилди. Яъни унда сайёрамизнинг 204 мамлакатидан 206 та эркаклар ҳамда 187 давлатидан 189 та аёллар терма жамоаси иштирок этди.

Энг қувонарлиси, мазкур тарихий беллашувда Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси яна бир бор **Олимпиада чемпиони** деган юксак унвонни қўлга киритди! Мусобақанинг ҳал қилувчи сўнгги 11-турида гроссмейстерларимиз Украина терма жамоасини 2,5–1,5 ҳисобида мағлубиятга учратиб, умумий 20 очко билан рақибларига ҳеч қандай имконият қолдиришмади. Вакилларимиз зафарли одимлар давомида Ҳиндистон, Хитой, АҚШ ва Арманистон каби дунё шахмати гигантларини мағлубиятни тан олишга маҳкум этишди. Йигитларимизнинг ҳар бир ғалабаси миллионлаб юртдошларимиз қалбига чексиз фахр, ғурур ва ифтихор бағишлади.


Ушбу оламшумул муваффақият 2022 йили Ҳиндистонда қўлга киритилган тарихий зафар асло тасодиф эмаслигини, Ўзбекистон шахмат мактаби жаҳонда том маънода тенгсиз эканини амалда яна бир бор исботлади. Бугун бутун дунё яна бир бор Ўзбекистон деган мамлакатни ва ўзбек миллатини эътироф этмоқда!

Ўзбекнинг мард ва билимдон ўғлонлари **– Нодирбек Абдусатторов, Жавоҳир Синдаров, Нодирбек Ёқуббоев, Муҳиддин Мадаминов ва Шамсиддин Воҳидов** ўз ўйинлари билан сайёрани лол қолдиришди. Улар шу қадар юксак эътирофга сазовор бўлишдики, энди хорижликлар ўз фарзандларига ўзбекча исмлар қўйса, ҳечам ажабланмаймиз. Англиялик шахмат мутахассисининг ***«Ўғил кўрсам, исмини Нодирбек қўяман!»*** деган самимий эътирофи бутун дунё бўйлаб акс-садо берди.

Ҳа, азизлар, бугун аҳли олам бизга ҳавас ва ҳайрат билан қарамоқда! Шахмат тахтасида мардона курашиб, Ватанимиз шаънини дунёнинг энг баланд чўққисига олиб чиққан чемпионларимизга, уларнинг заҳматкаш устозларига ва ота-оналарига чексиз ташаккурлар айтамиз!

Азизлар, буюк ғалаба муборак бўлсин!

Ватанимиз байроғи халқаро майдонларда ҳамиша мағрур ҳилпирайверсин!



Алижон АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»



https://t.me/ishonchuz_official
facebook.com/ishonchofficial.uz
ishonch1991@yandex.uz
www.ishonch.uz

КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

Президент Шавкат Мирзиёев мактаб таълимида янги авлод дарсликларини жорий этиш, олийгоҳлар ва корхоналар ҳамкорлигида дуал таълимни ташкил қилиш, шунингдек, Ляонин педагогика университетининг Ўзбекистондаги филиали фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан тақдимотлар билан танишди.

* * *

«Йил ўқитувчилари»га 616 миллион сўмлик мукофот пуллари тўлаб берилмоқда.

* * *

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2026 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистонда санаторий-курорт муассасалари ва дам олиш ташкилотлари объектлари сони 749 тани ташкил этган. Бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 471 тага кўпайган.

* * *

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспектори» фахрий унвони таъсис этилиши кутилмоқда.

* * *

2026 йилнинг январь-август ойларида Ўзбекистонда 62,8 миллиард кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. Энергетика вазирлиги ахборот хизмати маълумотларига кўра, бу ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичдан 5 миллиард кВт соат ёки 8,7 фоизга кўп.

* * *

Озарбайжоннинг Мингечевир саноат паркида Ўзбекистон ва Озарбайжон компаниялари иштирокида янги тўқимачилик мажмуасини ташкил этиш бўйича йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширила бошланди.

* * *

Тошкентда «Марказий Осиё – Япония» таҳлилий марказлари биринчи форуми бўлиб ўтди.



СУРХОНДАРЁНИНГ САЙЁҲЛИК ХАРИТАСИ
бетакрор манзиллар билан бойиб бормоқда
2



КУРРАИ ҚУТЛУҒ ЖАМОЛИ
4

ТУРИЗМ

СУРХОНДАРЁНИНГ САЙЁҲЛИК ХАРИТАСИ

БЕТАКРОР МАНЗИЛЛАР БИЛАН БОЙИБ БОРМОҚДА

Сурхондарё бетакрор табиати, маданияти, меҳнаткаш эли билан барчамизни ўзига мафтун этиб келади. Бу ерда тарих қадимий тепаликлар, археологик ёдгорликлар, зиёратгоҳлар ва асрлар оша яшаб келаётган урф-одатлар ҳақида сўзлайди. Тоғлар эса ўз бағрида бетакрор манзараларни, шифобахш булоқларни ва сайёҳлар учун янги-янги кашфиётларни асрайди.



Сўнгги йилларда бу улкан салоҳиятни замонавий имкониятлар билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада воҳа Ўзбекистоннинг энг жадал ривожланаётган туристик ҳудудларидан бирига айланиб бормоқда. Биргина жорий йилнинг 8 ойи давомида вилоятга 2 млн 218 минг нафар маҳаллий, 704 минг нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрди. Биргина туризм хизматлари экспортидан вилоятга 130,5 млн доллар маблағ тушди. Аммо бу рақам воҳанинг мавжуд имкониятлари ва салоҳиятини тўлиқ акс эттирмайди.

Зеро, ҳудуднинг туризм салоҳияти 1 млрд АҚШ долларига баҳоланади. Бу эса унда улкан иқтисодий ва туристик имкониятлар яширин эканини англатади. Аммо биз Кампиртепа, Фаёзтепа, Далварзинтепа каби 250 дан ортиқ тарихий ва ноёб обидалар, диққатга сазовор қадамжолардан унумли фойдаланаётганимиз йўқ.

Қайд этиш керакки, воҳамизга ташриф буюрувчилар асосан зиёрат, тиббиёт, таълим, буддизм, археология ва экосаёҳат мақсадларида келишади. Шу боис туризмнинг турли йўналишларини ривожлантириш бўйича тизимли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, зиёрат туризми йўналишида Ҳаким ат-Термизий, Султон Увайс Қараний ва Сўфи Оллоёр каби улуғ зотларнинг муқаддас қадамжолари атрофи ободонлаштирилиб, зиёратчилар учун барча шароитлар яратилди.

Бойсун туманидаги ўзининг шифобахш суви ва ноёб микроиқлими билан машҳур «Омонхона» сиҳатгоҳи атрофида замонавий инфратузилма шакллантирилиб, меҳмонхона ва дам олиш масканлари барпо этилди. Сангардак, Хўжаипок ва Термиз минерал сувлари, термо-минерал булоқлар ҳамда шифобахш балчиқ манбалари негизида янги соғломлаштириш ва реабилитация марказлари ташкил этилмоқда.

Шу тариқа Сурхондарё ўзининг геостратегик жойлашувидан унумли фойдаланиб, қўшни мамлакатлар учун ўзига хос «тиббиёт хаби»га айланиб бормоқда. Жорий йилнинг 8 ойи давомида 704 минг нафар хорижий сайёҳнинг сезиларли қисми тиббий ва соғломлаштириш хизматларидан фойдаланиш мақсадида келгани соҳанинг истиқболи катта эканини кўрсатади.

Вилоятнинг туристик жозибадорлигини ошириш орқали сайёҳлар оқимини кўпайтириш, қулай шарт-шароитларни яратиш, инфратузилмани тубдан янгилаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2627 ўринли 61 та меҳмонхона, 1342 ўринли 35 та хостел ҳамда 1308 ўринли 140 та оилавий меҳмон уйи фаолият кўрсатмоқда. Ўтган 8 ойда 4 та янги меҳмонхона, 4 та хостел ва 9 та оилавий меҳмон уйи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Натижада вилоятдаги жами жойлаштириш воситалари сони 237 тага етказилди.

Туристик бизнес ва хизматлар сифатини ошириш мақсадида йил бошидан буён 5 та янги туроператор ва турагентлик лицензияланди. Шунингдек, 9 та оилавий меҳмон уйи ва 4 та хостел электрон платформалар орқали давлат реестрига киритилди.

Инвесторларни қўллаб-қувватлаш ҳам алоҳида эътиборда. Жорий йилнинг ўтган даврида Туризм жамғармаси томонидан Бойсундаги «БЕК» меҳмонхонасига 1 млрд 525 млн сўм, Деновдаги «Денов Плаза» меҳмонхонасига 525 млн сўм, «Сумбула» меҳмонхонасига 225 млн сўм, Сариосиёдаги «Оқшом» меҳмонхонасига 150 млн сўм миқдорида субсидия ажратилди. Бу янги туристик объектлар барпо этилиши ва хизматлар сифати ошиши учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Тоғли ҳудудларимиз эндиликда нафақат табиат қўйнида дам олиш, балки замонавий туристик инфратузилмадан баҳраманд бўлиш имконини ҳам бермоқда. Сариосиё туманида «Туронбанк» АТБнинг инвестиция компанияси «Турон плаза хотел» МЧЖ буюртмаси асосида Австриянинг «Doppelmayr Seilbahnen GmbH» компанияси томонидан қиймати 11,7 млн долларлик дор йўли қурилиши якунланиб, фойдаланишга топширилди. Узунлиги 1558 метр бўлган мазкур дор йўли йилига 800 минг нафаргача сайёҳга хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Шеробод туманида эса «Капа юрт» МЧЖ томонидан туз кони ҳудудида қиймати 12,2 млн долларлик Саломатлик туризм шаҳарчасини ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мазкур мажмуа нафас йўллари, аллергик ва бошқа касалликларни спелеотерапия – туз ғорлари орқали даволаш усулига ихтисослашган ҳудуддаги йирик марказлардан бирига айланиши кутилмоқда.

Йил давомида соҳада умумий қиймати 38,4 млн долларлик 18 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 361 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Туризм қўмитаси томонидан янги истиқболли лойиҳалар сифатида белгиланган, умумий қиймати 23,9 млн долларлик 2 та йирик лойиҳанинг ташаббускорлари Сариосиё ва Шеробод туманларидан аниқланган.

Вилоят туризмини дунёга танитишда «Бойсун баҳори» халқаро фольклор фестивали алоҳида ўрин тутади. ЮНЕСКО шафелигида ўтказиб келинаётган бу анжуман минглаб хорижий меҳмонларни бир жойга жамлаб, Сурхондарёнинг ноёб маданияти ва урф-одатларини намойиш этмоқда, воҳамизнинг туристик брендини мустаҳкамлаш билан бирга, миллий меросни асраб-авайлаш ва уни келажак авлодларга етказишга ҳам хизмат қилмоқда.

Вилоятнинг туристик келажагини транспорт ва логистика имкониятларисиз тасаввур қилиш қийин. Шу боис сайёҳлар учун авиақатновларни яхшилаш ва янги йўналишларни очиш масалаларида ҳам сезиларли ишлар амалга ошириляпти. 2026 йил май ойидан бошлаб «Flykhiva» авиакомпанияси томонидан Термиз – Истанбул – Термиз йўналишида халқаро парвозлар мунтазам йўлга қўйилди. Шунингдек, «Silk Avia» томонидан Тошкент – Сариосиё – Тошкент йўналишида ATR-72-600 самолётларида узлуксиз қатновлар бошланди.

Туристик оқимни янада кучайтириш бўйича 2026 йил якунига қадар аниқ вазифалар белгиланган. Унга кўра, хорижий сайёҳлар сонини 900 минг нафарга, «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар ташрифини 1 млн 748 минг нафарга етказиш режалаштирилган. Уларга 171 млн долларлик туризм хизматлари кўрсатилиши кўзда тутилмоқда. Меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш воситалари сони 255 тадан оширилиб, улардаги ўринлар сони қарийб 5800 тага етказилади. Яна 4 та туроператор ва турагентлик фаолияти йўлга қўйилиб, уларнинг умумий сони 61 тага етказилади. Туризм қишлоқларини ривожлантириш доирасида Бойсун туманидаги Омонхона, Сариосиё туманидаги Сангардак ва Жарқўрғон туманидаги Оқтепа сув ҳавзаси қишлоқларидан кейин яна бир манзилгоҳга «Туризм қишлоғи» мақоми берилиб, Президентимизнинг 2026 йил 30 апрелдаги тегишли қарори асосида вилоятнинг қатор ҳудудларида туристик мастер-режалар ишлаб чиқилиши режалаштирилган. Жумладан, Бойсун тумани «Темир дарвоза» МФЙдаги «Хўжамайхона» туризм масканини «Қизилнавр» МФЙ билан боғлаш, «Инкабод» МФЙдаги «Зовбоши» туризм маскани ривожини белгилаш бўйича мастер-режалар ишлаб чиқилади.



Абдукарим АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши раиси

Ҳудуднинг туризм салоҳияти 1 млрд АҚШ долларига баҳоланади. Бу эса унда улкан иқтисодий ва туристик имкониятлар яширин эканини англатади. Аммо биз Кампиртепа, Фаёзтепа, Далварзинтепа каби 250 дан ортиқ тарихий ва ноёб обидалар, диққатга сазовор қадамжолардан унумли фойдаланаётганимиз йўқ.
Қайд этиш керакки, воҳамизга ташриф буюрувчилар асосан зиёрат, тиббиёт, таълим, буддизм, археология ва экосаёҳат мақсадларида келишади. Шу боис туризмнинг турли йўналишларини ривожлантириш бўйича тизимли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, зиёрат туризми йўналишида Ҳаким ат-Термизий, Султон Увайс Қараний ва Сўфи Оллоёр каби улуғ зотларнинг муқаддас қадамжолари атрофи ободонлаштирилиб, зиёратчилар учун барча шароитлар яратилди.

Денов туманидаги «Саид Оталиқ» мадрасаси ва «Денов қалъаси» оралиғидаги ҳудуд Тошкент шаҳридаги Зарқайнар кўчаси тажрибаси асосида ривожлантирилади. Термиз тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Сурхон дарёси бўйида Тошкентдаги Сеул кўчаси тажрибаси асосида замонавий туристик ҳудуд барпо этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилади.

Термиз шаҳрида эса «Япон маҳалласи» маданий-туристик мажмуасини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Бу лойиҳалар воҳанинг туристик харитасини янада бойитиб, сайёҳлар учун янги манзиллар очишига ишончимиз комил.

«АЁЛЛАР ДАФТАРИ»НИ ВАРАҚЛАГАНДА...

САОДАТЛИ КУНЛАР

Бағдод тумани «Гулистон» маҳалласида яшовчи Саодатхон Маматқулова бошидан синовли кунларни кечирди. Турмуш ўртоғи вафот этгач, уч фарзанди билан ёлғиз қолди. Уларни боқиш, тарбиялаш, ўқитиш – барчаси ўзининг зиммасига тушди. Хонадони таъмирталаб бўлиб қолгани эса ташвиш устига ташвиш бўлди.

Ишчи гуруҳ оиланинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўргангач, Саодатхон «Аёллар дафтари»га киритилди. Оилавий шароитини яхшилаш, уй-жойини таъмирлаш учун амалий ёрдам кўрсатилди...

Ҳа, туманда хотин-қизларни ташвишга солаётган масалаларни ҳал этиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида бу каби ибратли ишлар тизимли давом этмоқда. Саъй-ҳаракатлар кўлами эса кундан-кун кенгайиб боряпти. «Аёллар дафтари»нинг 7-босқичида ҳам хонадонбай ўрганишлар олиб борилди. Натижада ишсиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлганлар рўйхатга олиниб, имкон қадар қўллаб-қувватланмоқда.

«Аёллар дафтари» нафақат муаммони бартараф этишга, балки янги имкониятлар яратишга ҳам хизмат қилмоқда. «Чўлюнус» маҳалласида яшовчи Мўътабархон Исақова аввал битта тикув машинаси билан ишлаб, тирикчилик қиларди. Кейинчалик унга бешта тикув машинаси олиб берилди. Шу тариқа бу аёл ҳам тадбиркорга айланди. Айни пайтда унинг болалар кийимлари тикиладиган цехида бир неча хотин-қиз иш билан банд.

Тизим доирасида аёллар саломатлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Конизор» маҳалласидаги ўрганишлар чоғида оғир хасталикка чалинган Замирахон Соҳибназарованинг саломатлиги назоратга олиниб, зарур тиббий ёрдам кўрсатилди. Энг муҳими, тўшакка михланиб қолган аёл бугунги кунда соғлом ҳаётга қайтмоқда.

«Қашқаримакай» маҳалласида асосий муаммо ишсизлик эди. Уни ҳал этишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашининг ўрни катта бўлди.

– Ўрганишлар давомида ҳар бир хонадондаги вазият, маҳалладаги шароитлар билан танишдик. Шу асно маҳалла хотин-қизларини ўйлантираётган энг катта масала ишсизлик экани аён бўлди, – дейди Бағдод туманига бириктирилган масъул вакил Зоҳиджон Қодиров. – Маҳалла биносига ёндош ҳудудда тикувчилик цехини ташкил этиш бўйича иш олиб борилди. Касаба уюшмалари кўмаги билан тикув машиналари ҳам олиб келиб ўрнатилди. Айни пайтда тикув цехида 30 нафар аёл меҳнат қилмоқда.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, юртимизда «Аёллар дафтари»нинг жорий этилиши хотин-қизлар учун кенг имкониятлар эшигини очмоқда.



Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ...

ПЕНСИОНЕР ХОДИМНИ ИШДАН БЎШАТИШ МУМКИН ЭМАСМИ?

САВОЛ: Яқинда бир даврада икки кишининг баҳсига гувоҳ бўлдим: бири «Пенсионер ходимни ишдан бўшатиш мумкин эмас», деса, иккинчиси «Мумкин, ҳатто пенсия ёшига етиши билан уни ишдан бўшатиб юборса бўлади», деб сўзида туриб олди. Хўш, ушбу масалага қонунчилик нуқтаи назаридан қандай изоҳ бериш мумкин?

Ғайбулла СОДИҚОВ
Бухоро вилояти

ЖАВОБ: Олдинги таҳрирдаги Меҳнат кодекси бўйича ходим пенсия ёшига етгач, иш берувчи ўз ташаббуси билан уни ишдан бўшатиши мумкин эди. 2023 йил 30 апрелдан кучга кирган янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига кўра эса ходимнинг пенсия ёшига етиши у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асос бўлолмайди.

Аслида пенсия ёшига етган ходимни ҳам қонунда белгиланган тартибда бошқалар сингари ишдан бўшатиш мумкин. Масалан, меҳнат интизомини бузгани, синов муддати вақтида синовдан ўтолмагани, эгаллаб турган лавозими штат қисқаришига тушгани каби важлар у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

СЕМИНАР



МУҲОКАМА МАРКАЗИДА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташаббуси билан «Ўзбектелеком» АК Шимолий филиалида ўқув-семинар ташкил этилди. Унда бошланғич касаба уюшмаси қўмиталари раислари ва аъзолари, юристлар, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис ва вакиллар қатнашдилар.

Семинарда кенгашнинг бош меҳнат техник инспектори Равшан Норалиев меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳақида маъруза ўқиди. Ҳуқуқий бош инспектор Абдувоҳид Аҳмедов фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш ҳамда ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига тўхталди. Шу аснода корхоналарда хавфсизликни таъминлаш, асбоб-ускуналарни ўз вақтида техник кўрикдан ўтказиш каби муҳим вазифалар муҳокама қилинди.

Ўқув якунида касаба уюшмалари фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда ходимларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлаш бўйича тавсиялар берилди.



Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

УЧРАШУВ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МУШОИРАСИ

Давлатимиз раҳбари шу йил август ойида Хоразмга ташрифи чоғида Хивада мушоира ўтказиш ташаббусини илгари сурган эди.

Аслида Хива хонлиги даврида ҳам мушоиралар, ғазалхонликлар тез-тез ўтказилиб турилган. Кейинги йилларда унутилган қадриятлар қайта тикланаётгани эса давлатнинг маърифатга, маънавиятга, ижод аҳлига бўлган эътибори самарасидир.

Шу боис яқинда Хивадаги «Фаровон» меҳмонхонасида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган шоирлар ва шеърият мухлислари иштирокида ўтказилган «Янги Ўзбекистон мушоираси»нинг қамрови янада катта бўлди.

Ўзбекистон халқ шоирлари Усмон Азим, Маҳмуд Тоир, Хосият Бобомуродова бошлаб берган шеърий айтишувни Фарида Афрўз, Мунаввара Усмонова, Гавҳар Ибодуллаева, Зебо Мирзо, Салим Ашур, Ибодат Ражабова, Сайёра Самандар каби устоз шоирлар, шунингдек, Туркиядан келган ижодкорлар ва ёшлар давом эттиришди. Шу жараёнда ўзбек, турк, қорақалпоқ, рус, туркман тилларидаги шеърлар янгради. Ким ватанни мадҳ этди, ким иймондан сўйлади, ким севгидан куйлади, ким фалсафий байтлар билан ўртоқлашди. Энг муҳими, ушбу тадбир шоирларнинг уйғоқлигини, бирдамлигини яна бир бор намоён қилди.

Огаҳий ижод мактабида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид ҳамда Минҳожиддин Мирзо, Кенгесбой Каримов ва бошқа ижодкорлар билан ўтказилган учрашув ҳам ёшларда катта таассурот қолдирди. Хоразмлик шеърият шайдолари севимли ижодкорлари билан кўришиш, дил изҳорларини билдириш имконига эга бўлдилар.

Иштирокчилар тарих ва бугунни боғлашга, ёшлар дунёқарашини бойитишга, шеъриятни халққа яқинлаштиришга, тилимиз жозибасини оширишга, турли авлод вакилларини бирлаштиришга хизмат қилувчи бу каби тадбирлар тез-тез ўтказиб турилиши лозимлигини таъкидладилар.

Зеро, миллатнинг улуғлиги унинг иқтисодий қудрати билангина эмас, маънавий иммунитети, тилига ва адабиётига муносабати, ўзлигини англаш даражаси билан ҳам белгиланади.



Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»

Батафсил маълумот олиш учун «Ishonch»нинг Телеграм каналига ўтинг:



500 МЛН СЎМГАЧА КРЕДИТ УЧУН БИЗНЕС-РЕЖА ТАЛАБ ЭТИЛМАЙДИ



МАЛАКА ОШИРИШ ДАВРИДА ХОДИМГА ХИЗМАТ САФАРИ ХАРАЖАТЛАРИ ТЎЛАНАДИМИ?

МУСОҲАБА

БУГУНГИ ЗАМОН ДИПЛОМАТИЯСИ

*Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги **Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Дипломатик академияси директори, профессор Абдусамат ҲАЙДАРОВ** билан суҳбатимизда дипломатлик касби қандай ўзгараётгани, мамлакатимизга нима учун халқаро таҳлилнинг миллий мактаби зарурлиги ва келажак дипломатиясини қандай билимлар белгилаб бериши ҳақида сўз борди.*



– Абдусамат Аҳатович, сўнгги йилларда Ўзбекистон ташқи сиёсати сезиларли даражада фаоллашди. Халқаро алоқаларимиз кенгаймоқда, иқтисодий дипломатиянинг, технологиялар, транспорт ва инвестиция лойиҳаларининг аҳамияти ортиб бормоқда. Шундай бир шароитда дипломатга қўйиладиган талаблар қанчалик ўзгарди?

– Соҳада жуда жиддий ўзгаришлар рўй берди. Давлат стратегиясини дипломатлар, халқаро ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, таҳлилчилар, хавфсизлик масалалари бўйича мутахассислар ва минтақашунослар ҳаётга татбиқ этишади. Дипломатик хизмат сифати эса кадрлар тайёргарлигига бевосита боғлиқ.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон дипломатик таълимнинг ўз миллий тизимини шакллантирди. 1992 йилда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташкил этилди. Мамлакатимиз тараққиётининг 2016 йилдан бошланган янги босқичи ташқи сиёсий муҳитни ҳам тубдан ўзгартирди. Ўзбекистон янада очиқ ва фаол сиёсат юрита бошлади, иқтисодий алоқалар кенгайди, инвестиция ва технологиялар билан боғлиқ кун тартибининг аҳамияти ортди.

Президентимизнинг 2022 йилда қабул қилинган «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тизимли ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим қадам бўлди. Унга мувофиқ ЖИДУ ҳузурида Дипломатик академия ташкил этилди.

Университет бўлажак мутахассисларга фундаментал билим ва тайёргарлик берса, академия дипломатик кадрларни, жумладан, юқори бўғин дипломатларини тизимли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, дипломатик фаолиятни илмий-услубий жиҳатдан таъминлаш вазифаларини бажаради. Зеро, бугунги дунёда инсон бутун фаолияти давомида ўқиб-ўрганиши зарур.

Касбий маданият, энг аввало, тушунчаларнинг аниқлигидан бошланади. Дипломат доимо халқаро ҳуқуқ, музокара жараёни, протокол, хавфсизлик ва ташқи иқтисодий муносабатларга оид атамалар билан ишлайди. «Изоҳли дипломатик луғат» Ўзбекистонда шу йўналишда яратилган илк ихтисослашган нашрдир. У талабалар, ўқитувчилар, тадқиқотчилар, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ходимлари учун мўлжалланган.

– 2026 йил 15 январда Ташқи ишлар вазирлиги ва хориждаги дипломатик ваколатхоналар фаолиятига бағишлаб ўтказилган йиғилишда давлатимиз раҳбари янги авлод дипломатлари даври келганини алоҳида таъкидлади. Сизнингча, бу тушунча нимани англатади?

– Бу, энг аввало, анча кенг билим ва кўникмаларга эга бўлиш дегани. Дипломат халқаро ҳуқуқ ва сиёсатни пухта билиши, иқтисодиёт, инвестиция, савдо, транспорт ва логистика масалаларини тушуниши, технологиялар, хавфсизлик, иқлим ва ахборот соҳаларидаги жараёнлардан яхши хабардор бўлиши керак. Чунки дипломатлик касбининг мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди. Бугун дипломат сиёсий мулоқотда иштирок этиш билан бир қаторда, инвестицияларни жалб этиш, экспортни ошириш, транспорт йўлакларини ривожлантириш, илмий-технологик ва гуманитар алоқаларни кенгайтиришга ҳам кўмаклашади.

Айниқса, иқтисодий дипломатиянинг аҳамияти ортди. Замонавий дипломат сиёсий қарор билан унинг амалий натижаси ўртасидаги боғлиқликни кўра билиши зарур. Эришилган келишув мамлакатга қандай наф келтириши, бизнес, инвестициялар ва янги технологиялар учун қандай имкониятлар очишини англаши керак. Янги авлод дипломати стратегик фикрлайдиган, давлатнинг ташқи сиёсий манфаатларини мамлакат тараққиёти олдида турган вазифалар билан уйғунлаштира оладиган мутахассис деганидир.

– Дейлик, ёш дипломат Хитойга, Европа мамлакатларидан бирига ёки Форс кўрфази давлатига ишга юборилди. Ундан қандай малака ва кўникмалар талаб этилади?

– У, аввало, ўзи фаолият юритадиган мамлакат иқтисодиётини, у ердаги ишбилармонлик муҳитини, бозор тузилмасини, инвестиция сиёсатини ва бизнес манфаатларини яхши тушуниши лозим. Ўзбекистон корхоналари учун қандай имкониятлар борлигини кўра билиш, истиқболли технологияларни топиш ва қўшма лойиҳалар самарасини баҳолай олиш салоҳияти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бугун учрашув ташкил этиш ёки музокараларни тайёрлашнинг ўзигина етарли эмас. Дипломат ҳужжат имзолангандан сўнг нима бўлишини ҳам олдиндан тасаввур қила олиши керак. Лойиҳани амалга оширишда қандай тўсиқлар пайдо бўлиши мумкин, унинг ҳамкори ким бўлади, таклиф бозорда қай даражада рақобатбардош деган масалалар чуқур таҳлил қилиниши зарур. Бунинг учун кучли таҳлилий қобилият, иқтисодий маълумотлар билан ишлаш ва узоқ муддатли жараёнларни олдиндан кўра билиш малакаси талаб этилади.

– Дипломатик кадрларни тайёрлашдаги энг мураккаб масала нимада деб ўйлайсиз?

– Ўзгаришлар суръати. Халқаро муносабатлар тобора мураккаблашиб боряпти. Янги куч марказлари пайдо бўляпти, иқтисодий алоқалар қайта шаклланяпти, технология ва ахборот билан боғлиқ янги хавф-хатарлар юзага келяпти. Иқлим муаммолари ҳам халқаро кун тартибига тобора кучлироқ таъсир кўрсатяпти.

Дипломатик таълим ана шу жараёнларга ўз вақтида жавоб бера олиши керак. Бунинг учун таҳлилий ва тил тайёргарлиги, иқтисодий билимлар, рақамли воситалардан фойдаланиш ҳамда катта ҳажмдаги ахборот билан ишлай олиш кўникмаларига алоҳида эътибор талаб этилади.

Дипломатияни фақат дарслик орқали ўрганиб бўлмайди. Бўлажак мутахассис қарорлар қандай қабул қилиниши, музокаралар қандай тайёрланиши, хавф-хатарлар қандай баҳоланиши ва томонлар манфаатлари қай тарзда ҳисобга олинишини тушуниши керак. Шунинг учун таълим, илм-фан ва дипломатик амалиётни бир-бири билан узвий боғлиқликда ривожлантиришга ҳаракат қиляпмиз.

– Давлат дипломатик таълим ва халқаро тадқиқотлар билан боғлиқ миллий мактабга эга бўлмай туриб, самарали ташқи сиёсат юрита оладими?

– Бу жуда мушкул масала. Таълим касбий компетенцияларни шакллантиради, илм-фан эса ана шу компетенциялар таянадиган билимларни яратади, тизимлаштиради ва мунтазам янгилаб боради. Биз халқаро жараёнлар, минтақавий ўзгаришлар, жаҳон тизимидаги трансформациялар ва дипломатиянинг янги шаклларини мустақил равишда ўрганишимиз зарур. Бундай илмий тадқиқотлар давлатга хавф-хатар ва имкониятларни ўз вақтида аниқлаш, ташқи сиёсий қарорлар учун мустаҳкам профессионал асос яратишга хизмат қилиши керак.

Миллий дипломатия мактаби кадрлар, таълим, илм-фан, амалиёт, тарихий тажриба ва ўз интеллектуал анъаналаримиз уйғунлигида шаклланади.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон ташқи сиёсат ва дипломатик фаолият борасида салмоқли тажриба тўплади. Энди бу тажрибани тизимлаштириш, чуқур англаш ва кейинги авлодларга етказиш керак. Сўнгги йилларда ЖИДУ ва Дипломатик академияда илмий тадқиқотлар, дарсликлар ва монографиялар тайёрлаш ишлари фаоллашди. «Ўзбекистон дипломатияси тарихи», «Ўзбекистон ва БМТ», «Марказий Осиё глобал сиёсатда» каби асарлар шулар жумласидан.

– Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги муносабати билан «Изоҳли дипломатик луғат» ҳамда «Дипломатия: сарчашмалардан замонавий давргача» монографияси тайёрланди. Уларнинг аҳамияти нимада?

– Бу нашрлар турли, аммо ўзаро боғлиқ вазифаларни бажаради. Луғат касбнинг профессионал тилини шакллантирса, монография дипломатиянинг тарихи, назарияси ва бугунги мазмун-моҳиятини очиб беради.

Касбий маданият, энг аввало, тушунчаларнинг аниқлигидан бошланади. Дипломат доимо халқаро ҳуқуқ, музокара жараёни, протокол, хавфсизлик ва ташқи иқтисодий муносабатларга оид атамалар билан ишлайди. «Изоҳли дипломатик луғат» Ўзбекистонда шу йўналишда яратилган илк ихтисослашган нашрдир. У талабалар, ўқитувчилар, тадқиқотчилар, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ходимлари учун мўлжалланган.

Монография эса дипломатиянинг дастлабки кўринишларидан тортиб замонавий халқаро муносабатлар тизимигача бўлган тараққиёт йўлини кузатиш имконини беради. Унинг биринчи қисми анъанавий дипломатия тарихи ва эволюциясига, иккинчи қисми эса иқтисодий дипломатияга бағишланган.

Бундай тузилиш дипломат касбининг ўзида кечаётган ўзгаришларни ҳам акс эттиради. Бугун савдо-сотиқ, инвестициялар, экспорт, технологиялар, энергетика, транспорт ва янги бозорларга чиқиш давлат халқаро фаолиятининг энг муҳим йўналишларига айланди. Ташқи иқтисодий алоқаларини жадал кенгайтираётган Ўзбекистон учун бу масалалар, айниқса, долзарб.

– Сунъий интеллект ва рақамли таҳлил дипломатик фаолиятни қанчалик ўзгартиряпти, деб ўйлайсиз?

– Замонавий воситалар ахборотни излаш ва қайта ишлаш жараёнини тезлаштиради, катта ҳажмдаги маълумотларни ўзаро солиштириш, тенденцияларни кузатиш ва таҳлилий материаллар тайёрлашга ёрдам беради. Бироқ сиёсий вазиятни тўғри англаш, ҳамкор томоннинг позициясини тушуниш, эҳтимолий муросани баҳолаш ва қарорларнинг узоқ муддатли оқибатларини олдиндан кўра билиш инсон тафаккури ва мулоҳазасини талаб қилади. Қарор қабул қилиш масъулияти барибир инсон зиммасида қолади.

Бўлажак дипломатни технологиялардан профессионал ва танқидий ёндашув асосида фойдаланишга, ахборотни текширишга ва рақамли воситаларнинг имконият ҳамда чекловларини тўғри англашга ўргатиш зарур. Сунъий интеллект мутахассис имкониятларини кенгайтиради, аммо дипломатия савияси ҳар доим инсон тафаккури сифати билан белгиланади.

– Ўз дипломатия мактабимизни шакллантиришда жаҳон тажрибасига қанчалик таяняпмиз?

– ЖИДУ ва Дипломатик академия хорижий университетлар, дипломатик академиялар ва тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Улар орасида Глазго университети, Цукуба университети, Ҳиндистон, Италия, Туркия, Уммон ва бошқа мамлакатларнинг ихтисослашган муассасалари бор. Ҳамкорлик қўшма тадқиқотлар, таълим дастурлари, ўқитувчи ва экспертлар алмашинуви, илмий анжуманлар ва нашрларни қамраб олади.


Халқаро алоқалар турли ёндашувларни қиёслаш, ўз тизимимизнинг кучли ва заиф жиҳатларини аниқлаш, энг яхши тажрибаларни ўзлаштириш имконини беради. Шу билан бирга, дунёга очиқлик интеллектуал мустақилликни ҳам талаб қилади. Яъни глобал жараёнларни миллий манфаатларимиз ва минтақанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда баҳолай билишимиз зарур.

– Бир неча йилдан кейинги ўзбек дипломатини қандай тасаввур қиласиз?

– Уни кенг стратегик тафаккурга эга инсон ўлароқ кўраман. Чунки келажакда сиёсат иқтисодиёт, технологиялар, иқлим, энергетика ва ахборот хавфсизлиги масалалари билан янада чамбарчас боғланади. Мутахассисларимизга фундаментал билим, миллий манфаатларни чуқур англаш, хорижий тилларни билиш, замонавий таҳлилий воситалардан фойдалана олиш ва қабул қилинаётган қарорларнинг йиллар давомида қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан кўра билиш қобилияти зарур бўлади.

Яна шундай фазилатлар борки, уларнинг қадри вақт ўтиши билан камаймайди. Булар касбий маданият, масъулият, аниқ сўз, тинглай билиш, суҳбатдошни тушуниш ва музокара олиб бориш маҳоратидир. Технологиялар ҳам, дипломатиянинг шакллари ҳам ўзгариб боради. Аммо ўз мамлакатининг манфаатларини чуқур англаш ва уларни ташқи дунёда профессионал тарзда ифода эта билиш ҳамиша касбимизнинг асоси бўлиб қолаверади.

Агар фундаментал таълим, узлуксиз касбий ривожланиш, илм-фан, халқаро тажриба ва ўз дипломатик анъаналаримизни бир бутун тизимга уйғунлаштира олсак, Ўзбекистон ҳозир шаклланаётган янги дунё учун муносиб мутахассислар тайёрлай оладиган кучли дипломатия мактабига эга бўлади.



«ISHONCH» мухбири
Жаҳонгир НАҲАНОВ
суҳбатлашди

ХАЛҚАРО ШАРҲ



ФАЛАСТИН ВА ҒАЗО ИНҚИРОЗИ – БОШ МАВЗУ

БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида ўтаётган Бош Ассамблеянинг 81-сессияси дунё геосиёсий манзарасидаги жиддий зиддиятлар ва дипломатик қарама-қаршиликлар майдонига айланди. Кўп томонлама дипломатия тизими инқирозларни бартараф этиш ва халқаро ҳуқуқ меъёрларини таъминлаш борасида навбатдаги йирик синовга дуч келмоқда.

БОШ АССАМБЛЕЯНИНГ ИШЛАМАГАН РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Сентябрь ойидаги олий даражадаги ҳафталикда Ғазо секторидаги ҳарбий ҳаракатлар ва Фаластиннинг халқаро мақоми масаласи муҳокамаларнинг энг кескин нуқтасига айланди.

Аввало шуни айтиш керакки, Фаластиннинг 81-сессиядаги иштирокини таъминлаш зарур эди. Ҳуқуқ йўлидан борилиб, Бош Ассамблеяда овоз бериш ўтказилди. Натижада уни қўллаб-қувватловчи резолюция 152 та давлат розилиги билан қабул қилинди. Ҳужжатга атиги 3 та мамлакат қарши чиқиб, 4 таси бетараф қолди. Бу эса халқаро ҳамжамиятнинг мутлақ кўпчилиги Фаластиннинг дипломатик ҳуқуқларини тан олаётганидан далолат эди.

Шунга қарамай, Фаластин президенти Маҳмуд Аббос Нью-Йоркка қўйилмади. АҚШ маъмурияти томонидан виза берилмагани БМТ Бош Ассамблеясининг 81-сессиясида энг баҳсли дипломатик можаролардан бирига айланди. Бу қарор БМТнинг мезбон мамлакат сифатидаги АҚШ билан муносабатлари ҳамда халқаро ҳуқуқ нормалари атрофидаги муҳокамаларни янада кескинлаштирди.

Қатор дипломатик миссиялар АҚШни БМТ қароргоҳи жойлашган мамлакат сифатида 1947 йилги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Марказий муассасалари тўғрисидаги битим ҳамда Дипломатик муносабатлар ҳақидаги Вена конвенциясини қўпол равишда бузишда айблаб чиқишди.

Резолюцияга қарши овоз берган ва Фаластин расмийлари визаларини бекор қилган АҚШ позициясини вакил Тэмми Брюс изоҳлади. Унинг таъкидлашича, Фаластин маъмурияти ва Фаластинни озод қилиш ташкилоти (ФОҚТ) «Осло битимлари» (Исроил ва Фаластин ўртасидаги 1993 ва 1995 йилларда қабул қилинган ҳужжатлар) шартларига риоя қилмаяпти ва Вашингтон улардан терроризмни сўзсиз рад этишни талаб қилмоқда.

АҚШ Давлат департаменти, шунингдек, Фаластин маъмуриятининг Халқаро жиноят суди (ХЖС) ва Халқаро суд (ХС) каби идораларга мурожаат қилиб, низони баҳсли тарзда интернационаллаштиришга уринаётганини рўкач қилди.

Ўз навбатида, Хитойнинг БМТдаги доимий вакили Сунь Лэй АҚШга қароргоҳ жойлашган мезбон мамлакат сифатида БМТ тўғрисидаги битимлар ва Вена конвенциясига қатъий риоя қилишни эслатиб қўйди. Пекин барча суверен давлатлар вакилларига дискриминациясиз тенг шароит яратиб берилиши шартлигини таъкидлади.

Фаластиннинг БМТдаги элчиси Риёд Мансур эса Президент Маҳмуд Аббос бошчилигидаги делегация иштирокига тўсқинлик қилиш уринишларини халқаро ҳуқуққа зид деб баҳолади.

МИНБАР ЙЎҚ, МАЖБУРАН ВИДЕОМУРОЖААТ

Маҳмуд Аббос Бош Ассамблеянинг 81-сессияси иштирокчиларига Рамоллоҳдаги қароргоҳидан видеомурожаат қилишга мажбур бўлди. У ўз нутқида Вашингтоннинг бу қарорини «ноқонуний жазо чораси» деб атади ва қуйидаги асосий таҳлилий фикрларни илгари сурди.

Фаластин халқи ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун БМТ ва халқаро судларга мурожаат қилгани учун жазоланмаслиги керак. Исроилнинг Ғазо ва Ғарбий соҳилдаги сиёсати нафақат тинчлик жараёнини, балки фаластинликларнинг ўз тарихий ерларида омон қолишини хавф остига қўймоқда.

Аббос Фаластин ички ислоҳотлар дастурини якунлаганини ва яқин орада парламент ҳамда президентлик сайловларини ўтказишга тайёргарлик кўраётганини маълум қилди.

Маҳмуд Аббосга виза берилмагани ва унинг минбардан туриб нутқ сўзлай олмагани, АҚШ кутганидек, Фаластин мавзусини четга суриб қўя олмади. Аксинча, бу ҳолат мазкур сессия ишида Вашингтон ва БМТнинг аъзо давлатлари ўртасидаги дипломатик узилишни янада яққолроқ кўрсатиб берди. Халқаро ҳамжамиятнинг 152 та овози Фаластин раҳбариятининг дипломатик изоляция-да эмаслигини, АҚШнинг бундай чекловлари эса БМТ қароргоҳининг холис халқаро майдон сифатидаги нуфузига путур етказаётганини англатади.

ЗАЛДАГИ ДЕМАРШЛАР ВА КЎЧАДАГИ ЭЪТИРОЗЛАР

Бош ассамблеяда Исроил Бош вазири Биньямин Нетаньяҳуга нутқ сўзлаш учун навбат берилиши билан ўнлаб мамлакатлар дипломатлари оммавий равишда зални тарк этди. Залда ҳуштаклар ҳам янгради.

У Ғазодаги ҳарбий ҳаракатлар ва геноцид айбловларини «асрнинг энг катта ёлғони» дейиши билан қолган делегацияларнинг бир қисми ҳам зални тарк этди.

Европа Иттифоқи ичида эса ушбу масалада қарашлар турлича. Испания Бош вазири Педро Санчес Исроилнинг Ғазодаги ҳаракатларини очиқдан-очиқ геноцид деб атади ва Фаластинга БМТнинг пўлатдек тўлиқ аъзоси мақомини беришга чақирди. Испания аллақачон Исроилга қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника экспортини тўхтатганини эслатиб, бошқа давлатларни ҳам шундай қадам ташлашга чақирди. Ғарбий соҳилда Фаластин ерларини ноқонуний эгаллаб олаётган ва зўравонлик қилаётганларга нисбатан санкциялар киритишни таклиф қилди.

Франция Президенти Эммануэль Макрон Ғазодаги гуманитар вазиятга халқаро ҳамжамиятнинг бепарволигини кескин танқид қилди. «Агар биз Ғазодаги фожиага жим қараб турсак, халқаро ҳамжамият сифатида ишончимиз нимага арзийди? Баъзилар тинчликка эришилгани ҳақида баёнот бермоқда, аммо бу сулҳ бир сонияга бўлса ҳам гуманитар ёрдам йўлакларини очгани йўқ. Бу ҳаммамиз учун уятли томошадир», деди у.

Макроннинг бундай кескин баёноти Европа Иттифоқининг етакчи давлатлари ҳам Фаластин мустақиллигини тан олиш ва Ғазодаги ҳарбий ҳаракатларни зудлик билан тўхтатиш тарафдори эканини яна бир бор кўрсатди.

Туркия етакчиси Режеп Таййип Эрдўғон Ғазодаги фожиага тўхталиб, қатъий ва оғриқли фикрларни илгари сурди. У Ғазо шунчаки ҳарбий ҳаракатлар майдони эмас, балки дунёдаги энг кўп болалар аъзолари ампутация қилинган ва «болалар қабристонига айланган» макон эканини алам ва ғазаб билан таъкидлади. Ғазодаги аҳволни «замонамизнинг инсонийликка зид ва энг шармандали концентрацион лагери» деб атади.


Туркия раҳбари ҳали Фаластинни суверен давлат сифатида тан олмаган мамлакатларни ўз қарорларини қайта кўриб чиқишга ва Исроилга тазйиқни оширишга чақирганида, Исроил делегацияси эътироз сифатида зални тарк этди.

Шу билан бирга, Нью-Йорк кўчаларида минглаб намойишчилар иштирокида оммавий эътирозлар бўлиб ўтди. Ушбу акцияларда полиция 100 га яқин кишини, шу жумладан, «Оскар» мукофоти соҳибаси ва фаол жамоат арбоби, Голливуднинг энг ёрқин афсоналаридан бири Сьюзан Сарандонни қўлга олди.

Таҳлилчиларга кўра, БМТ Бош Ассамблеясининг 81-сессиясида содир бўлаётган воқеалар иккита асосий тенденцияни кўрсатмоқда. Аввало Глобал Жануб ва Ғарб ўртасидаги фарқланиш мавжудлиги аниқ-равшан кўринди.

Фаластин масаласида 152 та давлатнинг якдил позицияси дунё жамоатчилигининг катта қисми Яқин Шарқдаги инқироз икки давлат тамойили ҳамда халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида ҳал этилишини истаётганидан далолат беради.

Мезбон мамлакат яна бир синовдан ўтди – АҚШнинг виза чекловлари БМТ қароргоҳининг холис дипломатик майдон сифатидаги мақомини яна бир бор муҳокамалар марказига олиб чиқди. Мазкур сессия БМТнинг глобал тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдаги ўрни ва институционал ислоҳотлар зарурлигини яна бир бор кун тартибига қўймоқда.



Аброр ХОН

Батафсил маълумот олиш учун «Ishonch»нинг Телеграм каналига ўтинг:



СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА 14 МЛРД СЎМЛИК ТЕНДЕР САВДОСИ БЕКОР ҚИЛИНДИ



ЎЗБЕКИСТОН ХОРИЖДАН ЭНГ КЎП НИМАЛАРНИ СОТИБ ОЛМОҚДА?

ЭССЕ

ҚУРРАИ ҚУТЛУҒ ЖАМОЛИ





Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
ёзувчи, публицист

Нуфузли бир манбада ўқиб қолдим: II асрда яшаган қадимги юнон олими Клавдий Птолемей «Географиядан қўлланма» асарини ёзган, унда Тошкент шаҳри ҳақида ҳам маълумот бор экан.

Ҳайратланарли-да! Салкам 20 аср муқаддам бу донишманд инсон не сабаб-эҳтиёжлардан келиб чиқиб ёзди экан ушбу асарни? Табиий, инсоният яшаб турган заминни билгиси келган, унинг тафсилотини ўрганишга аҳд қилгандир? Ва яна бизга маълум-номаълум бошқа мақсадларни кўзлагандир? Лекин шуниси муқаррарки, олим ер, ер усти, иқлими об-ҳаво, узоқ-яқин минтақаларда яшовчи одамлар ҳаётига қизиққан!

Ер юзида ҳаёт сувдан бошланган деб фараз қилди кимдир, бошқа бири, йўқ дея, ҳаёт ҳаводан бошланганини исботлади, яна кимнингдир тафаккури ўз сўзини айтди: ҳаётнинг бошланиши оловдан, тупроқдан дея ғалаён кўтарди. Ҳа, муболаға йўқ бу ўхшатишда, зеро, бир замонлар ҳар бир фавқулодда кашфиёт, ҳар бир ихтиро исён, тўфон, камида ғалаён келтириб чиқарган.

Ернинг шакл-шамойили, жойлашуви, ҳаракатланиши, унинг Ой, Қуёш ва бошқа осмон жисмлари билан муносабати озмунча тортишувларга сабаб бўлганми?! Озмунча мутафаккир зотлар ушбу «даҳанаки» тортишув ва мубоҳасалар қурбони бўлиб кетмаганми?!

Асрлар мобайнида давом этган фикрий муҳорабада алалоқибат... Ер ғолиб чиқди! Ер ўз ўқи атрофида мудом айланиб турибди, ўз лаппагида кун, ой ва йил сайин кўпайиб бораётган башарият учун Она заминлик вазифасини ўтаб келмоқда. Ер юзида ҳаётнинг пайдо бўлиши борасидаги адоқсиз тортишувлар бора-бора Ер ҳақидаги фан – география фани қиёфасида бўй берди, шаклланди, такомил топди.

* * *

Бундан 60 йил муқаддам. Тошкент шаҳрининг ҳозирги Олмазор туманидаги 11-ўрта мактабнинг 8-синфида ўқиймиз. Кутилмаганда география дарсига нотаниш муаллим кирди. Кекса, илгари бўйчан бўлган, лекин қарилик уни букиб қўйган – мункайиброқ юрар, қордай оппоқ сочи укпарга айланган, сийрак тортган, товуши оғир дарддан турган беморнинг хаста овозидек ҳорғин эшитиларди.

– Исмим Асрор ака, – деб ўзини таништирди муаллим.

У пайтлар эр ўқитувчига «Ака», аёл ўқитувчига «Опа» деб мурожаат қилинарди.

Асрор ака икки ўқувчидан «Дунё картаси»ни девор тахтасига илишни сўради. Қўлида калтагина таёқча тутиб, инқиллабгина харита томон аранг етиб борди.

Даставвал таёқчанинг учини Тошкент нуқтасига босди.

– Биз мана шу дунёнинг, – деди хаританинг умумий кўламига ишора қилиб, – мана шу нуқтасида яшаймиз, айни дамда мана шу нуқтасида ўтирибмиз!

Синф жимжит бўлиб қолди. Ҳатто шўх-шан синфдошларимиз ҳам жим. Барчанинг диққати муаллим кўрсатган нуқтада.

– Ўзбекистон пойтахти Тошкент дунёдаги э-энг катта ш а ҳ а р л а р д а н бири. Э-энг аҳолиси кўп, э-энг гўзал, э-энг ҳавоси ёқимли шаҳар! Тошкент бор экан, сиз-биз бормиз!.. Ўзбекистон бор эка-а-н...

Тасаввур қилинг, бир неча лаҳзада бутун синфимиз бараварига деворга илинган «Дунё картаси»нинг қоқ ўртасидаги нуқтага – Тошкентга кўчиб ўтдик-қўйдик.

– Жон болаларим! Зиҳнор унутманглар, ҳамон, Тошкент – Ўзбекистоннинг пойтахти эка-а-н...

Бу гаплар биз ўқувчилар учун янгилик эмас, бошқа дарсларда, масалан тарих фани дарсида «Дунё картаси»ни кўргандик, аммо-лекин Асрор муаллимнинг сўзлаш услуби, харитага манглайини босгудай яқин туриб, энг жимит ҳарфларигача жон дили билан ўқишни истагандай, ҳаётда илк бор кутилмаганда нигоҳи тушиб қолган янгилик ҳақида сўзлаётгандай шу қадар берилиб, шу қадар иштиёқ билан ҳикоя қилардики, гўё муаллим кўз ўнгимизда кексалигини, ҳорғинлигини унутди – қадди ростланди, товуши ўктамлашди, чеҳраси чарақлаб кетди.

Асрор муаллим узоқ гапирди, роҳатланиб, роҳатини биз болаларга юқтира-юқтира гапирди.

– Биз – мана шу нуқтада туриб дунёга қараймиз, шу нуқтадан дунё мамлакатларини, халқларини, қ о л а в е р с а, буту-ун океану тоғ-тошларини шу нуқтада туриб ўрганамиз, англаб етамиз. Чунки Тошкент – биз учун Ернинг, дунёнинг маркази ҳисобланади! География – мана шу картада акс этган дунёни, ер юзини жонимдан ортиқ севаман, дегани!

Буюк Маҳмудхўжа Беҳбудий кенг олманинг илмсизлигидан қаттиқ изтироб чекди. «Энг муҳтарам муборак кишилар ҳатто бехабарликларидан хабарсиздурларки, бу бехабарликларидан баъзан уятга қолиб, ҳатто иш шармандаликкача етар» дея ўксиди. Шу каби кемтикликларни бартараф этиш муродида мактаблар очди, дарсликлар ёзди, ўқитди-ўргатди. Ҳазратнинг географияни ўқитиш, оммалаштириш борасида қилган хизматлари алоҳида тарих, алоҳида ибрат. Бундан 120 йил муқаддам «Туркистон вилояти газети»нинг 3-сонида эълон қилинган «Жуғрофия илми» мақоласининг бирон ҳарфи ҳануз эскирмаган.

Биз «Дунё к а р т а с и»га маҳлиё бўлиб қолдик. «Дунё картаси»нинг ҳар бир нуқтаси, шакли, ҳар бир ранг-туси биз учун мўъжиза конига, уммонига айланди. Муаллимнинг қўлидаги икки қарич чиқар-чиқмас таёқча бизни сеҳрлаб қўйди, унинг «изи»дан дунё кезиб, синфга қайтгимиз келмай қолди.

Ўша дарс ҳаётимда, қизиқишларимда ўзга бир ўзан очгандай бўлди мен учун. Харитани, харитага қўшиб Асрор муаллимни, география фанини, демак, Ер юзини яхши кўриб кетдим – хариталарда акс этган Курраи арз жамолига меҳр қўйдим!

Орадан 60 йилдан зиёдроқ вақт ўтди, бироқ ўша география дарси чоғида қалбимга муҳрланган сирли-сеҳрли муҳаббат эса сўнгани йўқ...

...Чорак аср бўлди, Пентагон таклифига биноан хизмат юзасидан АҚШ сафарида бўлдик. Иккинчи куни шекилли, мезбонлар Америка Қўшма Штатлари Конгресси биносига олиб боришди. Кенг, баланд, маҳобатли, симобдай оқ мармардан тикланган машҳур гумбазни пастдан томоша қилдик. Гумбазнинг қоқ маркази – оёқ остидаги оқ мармар тўшаманинг қоқ марказида футбол тўпидан чоғроқ тим қора белгига кўзим тушди. У қандай маънони англатишини сўрадим.

Мезбонимизнинг чеҳрасида мағрурона руҳ пайдо бўлди ва бажонидил жавобга оғиз жуфтлади:

– Бу нуқта – дунёнинг маркази АҚШ Конгресси гумбазининг остида деган маънони англатади!

Чамаси мезбон бизнинг ҳайратланишимизни кутди, мен эса зудлик билан эътироз билдирдим:

– Кечирасиз, жаноб, дунёнинг маркази – биз учун Тошкент ҳисобланади!

* * *

Ер куррасини ўрганиш мақсадида сайёҳлик жандасини кийиш уч-тўрт минг йиллардан буён умумбашарий урфга айланган. География маълумотлар тарихий маълумотга айлана борган (бу икки фан қадрдонлашиб кетганининг боиси ҳам шунда бўлса керак).

Манбаларда ёзишларича, дастлабки географик харита милоддан бир неча юз йил муқаддам Бобилда яратилган. Муаллифи аниқланмаган ўша харита марказидаги нуқтада Бобил шаҳри жойлашган экан...

Курраи арз тасвирини глобусга туширишга ҳам аҳли тафаккур милоддан бурунлар киришган. Ер ҳақидаги маълумотлар кўпайгани сайин Курраи арз жамолини харита-ю глобусда янада мукаммал тарзда яратишга ҳаётини, илмини сафарбар этувчилар кўпайгандан-кўпайган. Шоирлар ҳам қараб турмаган, ўзимизнинг Абдулла Орипов эса ўлмас сатрлар битган.

Қаршимда ер шарин сурати турар,
Салмоғи Қуванинг анорича бор.
Тим қора осмонда порлаб кўринар,
Шу жажжи сайёра кўркам, улуғвор.

* * *

Буюк олмон мутафаккири Иммануил Кант (1724-1804) географияни тарихнинг пойдевори деб атаган. Биринчилардан бўлиб географияни алоҳида фан сифатида ўқитишни йўлга қўйган. Ваҳоланки, на қўлланма, на дарслик, на бошқа манба бўлган у пайтларда. Нимаики зарур бўлса, ўз қўли билан ёзган, кўпайтирган, қўллаган.

Кант энг хонанишин алломалардан бўлган. Ҳеч қаёққа бормай, юрмай-кезмай-кўрмай туриб шу қадар ишончли ва ҳақиқатга тўғри келадиган маълумотлар тўплаганки, ижодхонасини тарк этмаган ҳолда... дунё бўйлаб саёҳат қилган, маълумот тўплаган, денгизлар ошган, чўлу биёбонларни пойи пиёда кезган. Осиё, Африка, Европа ва Америка қитъаларида жойлашган мамлакатларнинг аҳолиси, шунингдек, табиати, об-ҳавоси, ҳоказоларини синчиклаб ўрганган. Шамолнинг ҳосил бўлиш қонуниятини кашф этган. У тўплаган маълумотларнинг ҳаққонийлигига, тўғрилигига ҳассос географлар ҳам тан беришган. Алломанинг Петербург фанлар академияси аъзолигига қабул қилинишида унинг айнан география соҳасидаги хизматлари эътиборга олинган.

* * *

Буюк Маҳмудхўжа Беҳбудий кенг олманинг илмсизлигидан қаттиқ изтироб чекди. «Энг муҳтарам муборак кишилар ҳатто бехабарликларидан хабарсиздурларки, бу бехабарликларидан баъзан уятга қолиб, ҳатто иш шармандаликкача етар» дея ўксиди. Шу каби кемтикликларни бартараф этиш муродида мактаблар очди, дарсликлар ёзди, ўқитди-ўргатди. Ҳазратнинг географияни ўқитиш, оммалаштириш борасида қилган хизматлари алоҳида тарих, алоҳида ибрат. Бундан 120 йил муқаддам «Туркистон вилояти газети»нинг 3-сонида эълон қилинган «Жуғрофия илми» мақоласининг бирон ҳарфи ҳануз эскирмаган.

Қуйидаги жумлага эътибор қаратайлик: «На даражаларға таназзул қилишимиз кўзи очиқ кишига маълумдир. Надан? Илмсизликдан! Ал-он русий ва фарангийдан, форсий, арабий, туркий тилларига яхши ва мунтазам жуғрофия ҳайъат китоблари таржима бўлған, ўшал китобларни ўқимагунча дунёи ҳолиядан хабардор бўлмоқ асло бўлмайдур. Хабардор бўлмай дунёға юрмоқ яна фойдаси камдур».

Ҳазрат 8 ой мобайнида 400 саҳифадан зиёда бўлмиш «Мунтахаби жуғрофияи умумий» китобини ёзди. Уни тартибга келтиришда кўплаб хорижий манбалардан фойдаланди. Унга турли хариталар, жумладан, 5 қитъа ер қуруқлик харитаси илова қилди. «Земной шар – глобус – курраи маснаъ» ҳақида батафсил маълумот келтирди. «Самарқанд усули жадид мактаби хусусида» мақоласида Самарқанд шаҳрида фаолият бошлаган янги жадид мактабига доир атрофлича маълумот берди. «Уч ойдин бери роқимни «Мадхали жуғрофияи умроний» форсий рисоладин ҳам кунора бир сабоқ олиб ва деворий ва мусулмоний – карта-харита – курраи мужассама – глобусдан зеҳний ва китобий жуғрофия илмидан ҳам ўқийдурлар».

«Мадхали жуғрофияи умроний» китобини Беҳбудий бобомиз «ер юзини ободонлигини баён қилмоқдин иборат бир жаҳонномадур» деб таърифлайди.

Ҳайратларга тушмайдими бу жаҳонномадан шоир?!

Наҳот шу кўрганим рост бўлса, наҳот?
Наҳотки еримиз бир кичик соққа?!
Наҳотки биз шунга жо бўлсак, ҳайҳот!..

* * *

Асли журналист, сиёсатшунос олим ва халқаро шарҳловчи Лазиз Раҳматовнинг қаламига мансуб «Дунё мамлакатлари» китобини Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг шакл-шамойилидаги ғаройиботлар, жойлашуви, узоқ-яқин «ҳамсоя»лар ва ҳоказолар мамлакат ва ушбу мамлакат одамлари тақдирида, қисматида ҳали инсоният кашф этмаган сир-синоатлар йўқмикан?!

Яна бир қизиқарли воқеа десангиз. Миллий ноширчилик соҳасида ғаройиб воқеа чиқиб қолди! Буни қарангки, Ўзбекистонда биринчи география фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Ҳасановнинг 1985 йилда нашрдан чиққан «Географик номлар сири» китоби 2026 йилда кенг жамоатчилик эътиборини қозонган Лазиз Раҳматовнинг «Дунё мамлакатлари»га махсус ёзилган сўзбоши-муқаддимадек ўқилади! Бамисоли ҳар икки муаллиф келишиб олгану, маслаҳатни бир ерга қўйиб улкан ва унутилмас илмий-маърифий ишга қўл ургандек!

Ҳар иккала китобнинг «ич»ига кирсангиз, таърифига тил ожиз деяверинг, қайтиб чиқиш маҳол. Дунёнинг, Ер куррасининг жамоли, исми-ю жисми мужассам! Ҳ.Ҳасанов домла географик номларни «Ернинг тили» деб таърифлаган, Л.Раҳматов «Ернинг тили» таърифига мансуб юзлаб номларни – она заминни бамисоли 1200 бетли китобга жо этган.

Хаёл тутқич бермайди...

О, она сайёра, курраи қутлуғ,
Самодан суратинг илк бора кўрдим,
Ҳавойи бир хаёл сеҳри эмас, йўқ,
Фарзанд меҳри билан мен боқиб турдим.
Кун кеча эмасми, хислатинг санаб
Шеър ёзиб юрардим сенга парвона,
Бу кун суратингга сўзсиз босдим лаб,
Шу сенми, ёлғизим, шу сенми, она...

* * *

Она ер бағридаги ҳар гўша – маскан инсон учун азиз ва мукаррам! Ундаги ҳар бир тирик жон сизу бизга замондошу заминдош! Ер завол кўрмасин, инсон завол кўрмасин, Курраи қутлуғ жамолига ғубор қўнмасин зинҳор. Она ер, Она ер, Она ер!..

Бир ёнда заъфарон Саҳройи Кабир,
Бир ёнда оқ сочли тоғлар пурвиқор.
Сенинг толеингга ўқийди такбир.

Ер эса ўз ўқи теграсида айланаверади...

Жуғрофия... Харита, курраи маснаъ... Кант... Беҳбудий... Асрор муаллим... Яна, яна, яна... онанинг бағридир она сайёра!..

Марокли дам олинг, азиз газетхон!



«Феруз I»

Илёс Арабов ижросида

Огаҳий ғазали

Мушкин қошингни ҳайъати ул чашми жаллод устина,
Қатлим учун нас келтирур, нун элтибон сод устина,
Қилғил тамошо қоматин, зебоси бирла оразин,
Гар кўрмасанг гул бўлғонин пайванди шамшод устина.

MUASSIS:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay’ati raisi),

Ulug’bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G’OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV *(Bosh muharriming birinchi o’rinbosari),*
Mehriddin SHUKUROV *(Mas’ul kotib – «Ishonch»),*
Valentina MARSENYAK *(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti **– (71) 256-64-69**
Huquq va xalqaro hayot **– (71) 256-52-89**
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport **– (71) 256-82-79**
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash **– (71) 256-85-43**
Marketing va obuna **– (71) 256-87-73**

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog’iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg’ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Alijon ABDURAHMONOV

Musahhihlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 23:40
Topshirildi – 00:10

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning **seshanba, payshanba va shanba** kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas’ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 038 та
Shundan: 6 508 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – **Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;**
19 339 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – **Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;**
9 191 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – **Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-911**
1 2 3 4 5 6